

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МЎМИНОВ ХУРШИДБЕК АДҲАМЖОН ЎҒЛИ

**ГИДРОГЕНИЗАЦИЯЛАНГАН АМОРФ ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАРНИ
СПЕКТРАЛ ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИ ВА ЭЛЕКТРОН ҲОЛАТЛАРИ
ЗИЧЛИГИНИНГ ТАҚСИМОТИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-
mathematical sciences**

Мўминов Хуршидбек Адхамжон ўғли Гидрогенизацияланган аморф яримўтказгичларни спектрал характеристика- лари ва электрон ҳолатлари зичлигининг тақсимооти.....	3
Муминов Хуршидбек Адхамжон угли Спектральные характеристики и распределения плотности электронных состояний в гидрогенизированных аморфных полупроводников.....	23
Muminov Khurshidbek Adhamjon ugli Spectral characteristics and distributions of the density of electronic states in hydrogennated amorphous semiconductors.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM/T.01.12 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МЎМИНОВ ХУРШИДБЕК АДҲАМЖОН ЎҒЛИ

**ГИДРОГЕНИЗАЦИЯЛАНГАН АМОРФ ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАРНИ
СПЕКТРАЛ ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИ ВА ЭЛЕКТРОН ҲОЛАТЛАРИ
ЗИЧЛИГИНИНГ ТАҚСИМОТИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Физика-математика фанлари бўйича Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/FM 418 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Наманган муҳандислик технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ispm.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Икрамов Рустамжон Гуломжонович
физика-математика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Расулов Рустам Явқачович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Эгамбердиев Баҳром Эгамбердиевич
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.08.2019FM/T.01.12 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «04» 03 соат 12-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй. Тел.: (+99871) 248-79-94; факс: (+99871) 248-79-92; e-mail: info@ispm.uz), ЎЗМУ қошидаги ЯФМ ИТИ мажлислар зали).

Диссертация билан Ахборот технологияларини жорий этиш бўлимида танишиш мумкин. (3 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй. Тел.: (+99871) 248-79-59; e-mail: info@ispm.uz,

Диссертация автореферати 2022 йил «22» 02 да тарқатилди.
(2022 йил «22» 02 даги 35 рақамли реестр баённомаси)



Ш.Б. Утамурадова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Ж.Ж. Хамдамов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, PhD

Х.К. Арипов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

Кириш (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг зарурати ва долзарблиги. Ҳозирги пайтда аморф яримўтказгичлардан бир қатор оптоэлектроника қурилмалари ишлаб чиқарилади. Масалан, аморф гидрогенизацияланган кремний ($a\text{-Si:H}$) дан дисплейлар учун актив матрицалар, юпка плёнкали транзисторлар, фотодиодлар ва гетеро ўтишли қуёш элементлари ишлаб чиқарилмоқда. Юпка плёнкали аморф нитрид кремнийдан ($a\text{-SiN}$) гетеро ўтишли қуёш элементлари, фотодиодлар ва транзисторларни ишлаб чиқариш учун фойдаланилади. Маълумки, аморф яримўтказгичларни электр ва оптик хоссалари, улардаги панжаранинг параметрларига ва атомларнинг тури билан аниқланадиган электрон ҳолатлари зичлигининг тақсимотига кучли боғлиқ бўлади. Аморф яримўтказгичларнинг фотоэлектрик хоссаларини аниқлаш учун Пуассон тенгламаси, узлуксизлик ва кўчиш тенгламалари системаларининг аналитик ечими асосида намунадаги электрон ҳолатлар зичлиги тақсимоти маълум бўлиши керак. Маълумки, Урбах энергиясининг оптик ютилиш коэффициенти спектрининг экспоненциал ютилиш соҳасидан аниқланади. Урбах энергиясини қиймати билан аморф яримўтказгичларни структурасидаги тартибсизликни баҳоланади. Бу тартибсизлик аморф яримўтказгичларни руҳсат этилган зоналарининг думларидаги электрон ҳолатлари зичлиги тақсимотини аниқлайди. Урбах қоидасини фақат экспоненциал ютилиш спектри учун аниқланган тажриба натижалари орқали тушунтирилади. Шунинг учун, Урбах қоидасини тушунтирувчи формулани келтириб чиқариш ҳозирги пайтдаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, аморф яримўтказгичларнинг электрон ҳолатлари зичлигининг тақсимотларини аниқлаш учун жуда мурракаб ва қимматбаҳо қурилмалар талаб қилинади. Ҳозирги пайтда аморф яримўтказгичларни оптик ютилиш коэффициенти спектрини назарий усулда ҳисоблаш учун бир нечта электрон ҳолатлари зичлиги тақсимотини эмпирик моделларидан фойдаланилади. Аммо, аниқ бир аморф яримўтказгич намунаси учун ўтказилган тажриба натижаларидан фойдаланиб, бу намунадаги электрон ҳолатлари зичлигининг тақсимотини аниқлаш аморф яримўтказгичлар физикасининг мурракаб масалаларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда аморф яримўтказгичларнинг асосий оптик параметрларидан бири бўлган оптик ютилиш коэффициенти спектрини тадқиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада мақсадли илмий тадқиқотларни жумладан, қуйидаги йўналишларда изланишлар олиб бориш муҳим вазифалардан ҳисобланади: аморф яримўтказгич намуналарида оптик ютилиш коэффициенти спектрининг зоналараро ютилиш соҳасидан зоналараро ютилиш коэффициенти билан руҳсат этилган зоналардаги локаллашмаган электрон ҳолатлари зичлиги тақсимоти орасидаги боғланишларни аниқлаш; экспоненциал ютилиш соҳасидан руҳсат этилган зоналарни экспоненциал думларидаги локаллашган электрон ҳолатлари зичлигини тақсимоти орасидаги муносабатларни аниқлаш долзарб

муаммолардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга аморф яримўтказгичларнинг оптик хусусиятларини комплекс тадқиқ қилиш поли-ва микрокристалл ҳамда полимер яримўтказгичлар учун ҳам аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда фундаментал тадқиқотларнинг долзарб илмий йўналишларига эътибор сезиларли даражада кучайтирилди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига кўра илмий-тадқиқот ютуқларини рағбатлантириш ва жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, шу жиҳатдан яримўтказгичли асбобларда кечаётган физик жараёнларни амалиётга татбиқ этиш натижасида аморф яримўтказгичларга хос бўлган барча электрон ҳолатлар иштирокидаги оптик ўтишлар билан ютилиш коэффициенти спектри орасидаги боғланишлар ҳақидаги тасавурларни чуқурлаштириш жуда муҳим ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси¹да илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш масалалари, ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни жорий қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш вазифалари белгилаб берилган. Бу борада арзон яримўтказгич материаллари асосидаги эффектив куёш элементларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 13 февралдаги ПҚ-2772-сон «2017–2021 йилларда электротехника саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида» ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Энергия, энергия ресурсларини тежаш, транспорт, машинасозлик ва асбобсозлик; замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника, электрон асбобсозликни ривожлантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Урбах биринчи бўлиб АҚШ нинг Eastman Kodak Company илмий тадқиқот лабораториясида аморф яримўтказгичларнинг спектрал характеристикаларини ўрганди. АҚШ нинг Миссурий штатидаги физика институти олимлари Wei-Chung Chen ва J.Feldman томонидан аморф яримўтказгичларни электрон ҳолатлари зичлиги

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

таксимотини янги эмпирик моделларидан зоналараро ва экспоненциал ютилиш спектрлари аналитик ифодалари аниқланган, АҚШнинг Corporate Research-Science илмий лабораториясида G.D.Codi томонидан тажрибалар орқали Урбах энергиясининг температурага боғланиши тадқиқ қилинган. Чехославакия Фанлар Академиясининг Қаттиқ жисмлар физикаси институти олими J.Таус томонидан тажрибалар асосида аморф германийнинг валент зонасидаги электрон ҳолатлари зичлигини тақсимоти тадқиқ қилинган. Россия Фанлар Академиясининг Бирлашган юқори температуралар институти олими А.А. Пронкин томондан аморф углородни зоналараро ютилиш коэффиценти спектрлари тажрибалар асосида ўрганилган. Германиянинг Материаллар институти илмий ходими J.A. Guerra ва Озарбайжон Фанлар Академиясига олими Б.А. Наджафов томонидан Дэвис-Мотт яқинлашиш усулига ёзилган Кубо-Гринвуд формуласини зоналараро ютилиш спектри учун ҳисоблаган.

Аммо, бу барча тадқиқотларда энергияси ҳаракатчанлик тирқишидан катта энергияли фотонлар ютилганда рухсат этилган зоналараро оптик ўтишлар билан бир вақтнинг ўзида, рухсат этилган зоналар ва уларни «дум»ларидаги электрон ҳолатлари орасидаги оптик ўтишлар ҳосил қиладиган парциал ютилиш спектрлари инобатга олинмаган. Шунингдек бу электрон ҳолатлари зичлиги тақсимотлари аниқ кўринишга эга бўлмаганлиги учун спектрлардаги баъзи параметрларнинг қиймати қандай аниқланиши ҳақида аниқ маълумот берилмаган. Урбах қондаси бажариладиган локаллашган ҳолатлар иштирокидаги оптик ўтишларнинг спектрларини ҳисоблашда ҳаракатчанлик тирқиши кенглигидан кичик энергияли фотонлар учун локаллашган ҳолатлар орасидаги оптик ўтишлар билан бирга, локаллашган ва локаллашмаган ҳолатлараро ўтишларнинг мавжуд бўлиши ҳисобга олинмаган.

Недерландиянинг Делфт технология университетиинг илмий ходими W.Den Boer томонидан таклиф қилинган усулга кўра, аморф гидроганизацияланган кремнийнинг ўтказувчанлик зонаси думидаги электрон ҳолатлари зичлиги тақсимоти аниқланган. РФА қошидаги А.Ф. Иоффе номли Физика–Техника институтининг катта илмий ходими О.А. Голикова томонидан видикон усулига кўра, аморф гидроганизацияланган кремнийнинг валент зонаси думидаги электрон ҳолатлари зичлигини тақсимоти аниқланган, аммо бу усулда аниқланган электрон ҳолатлари зичлигини тақсимоти жуда кичик энергетик интерваллар учун бажарилган. АҚШнинг Королина штатидаги Стенфорд университетининг илмий ходими T.M.Donovan томонидан ультрабинафша фотоэмиссион спектроскопия (УФЭС) усулида, шимолий Королина университетининг аналитик асбоблар маркази ходими Fred A. Stevie томонидан рентген фотоэмиссион спектроскопия (РФЭС) усулида аморф германийнинг рухсат этилган зоналаридаги электрон ҳолатлари зичлигини тақсимотлари тадқиқ қилинган. Аммо бу икки усулларда олинган натижалар бир-бири билан мос келмаган.

Ўзбекистонлик машҳур академиклар: Р.А.Муминов, М.К.Бахадирханов ва С.Зайнобиддинов илмий мактабларида ҳамда профессорлар: Қ.П.Абдурахманов, Э.З.Имомов, Р.Я. Расулов, Ш. Отажонов, М. Турсуновлар томонидан яримўтказгичларда оптик ютилиш коэффиценти спектрал характеристикалари борасида кўплаб илмий изланишлар амалга оширилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик технология институти ва Малайзиянинг “Malaya” университети ўртасидаги ҳамкорлик шартномасига асосан Малайзиянинг “Malaya” университети “Физика” факультети Ион маркази илмий-тадқиқот режасининг (No. FG029-17AFR) ва (FRGS 054-2014A) рақамли илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аморф яримўтказгичларнинг зоналараро ва экспоненциал ютилиш спектрларининг аналитик ифодаси ва тажрибадан аниқланган қийматларидан фойдаланиб, уларни валент зонаси ва рухсат этилган зоналарни думларидаги электрон ҳолатлари зичлиги тақсимоатларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

экспоненциал ютилиш спектрини аналитик ифодасидан Урбах энергияси ифодасини келтириб чиқариш ва Урбах энергияси температурага боғлиқлиги тадқиқ қилиш;

аморф яримўтказгичларнинг тажрибалардан аниқланган зоналараро ютилиш спектри қийматлари вааналитик ифодасидаги пропорционаллик коэффиценти ҳамда ҳаракатчанлик тирқишининг энергетик кенглигини таққослаш, валент зонадаги электрон ҳолатлари зичлиги тақсимоати ифодасини келтириб чиқариш;

аморф углеродни тажрибалардан аниқланган зоналараро ютилиш спектрининг қийматларидан фойдаланиб, бу материални валент зонасидаги электрон ҳолатлари зичлиги тақсимоатини аниқлаш;

аморф яримўтказгичларнинг экспоненциал ютилиш спектрининг ифодасидаги пропорционаллик коэффиценти, ҳаракатчанлик тирқишининг энергетик кенглиги, ҳамда валент ва ўтказувчанлик зоналари экспоненциал думлари эгрилигини тажрибалардан аниқланган ва назарий формуладан ҳисобланган қийматларини таққослаш, валент ва ўтказувчанлик зоналари думларидаги электрон ҳолатлари зичлиги тақсимоатини аниқловчи янги формулаларни келтириб чиқариш;

аморф селен-олтингургурт қаттиқ қоришмаси учун тажрибадан аниқланган экспоненциал ютилиш спектрининг қийматларидан фойдаланиб, валент ва ўтказувчанлик зоналарининг думларидаги электрон ҳолатлари зичлиги тақсимоатини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида $a\text{-CuIn}_3\text{Te}_5$ учун Урбах энергиясини тажрибалардан аниқланган температурага боғлашиши ва аморф углеродни ($a\text{-C}$) тажрибалардан аниқланган зоналараро ютилиш спектри ҳамда аморф

селен-олтингугурт қаттиқ қоришмасини ($a-Se_{0.5}S_{0.5}$) тажрибалардан аниқланган зоналараро ва экспоненциал ютилиш спектрлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети аморф яримўтказгичлар учун Урбах энергиясини температурага боғланишини аниқловчи аналитик ифодасини келтириб чиқариш, аморф яримўтказгичларда ёруғликни зоналараро ва экспоненциал ютилиш спектрларини тажрибалардан аниқланган қийматларидан валент зонадаги ва рухсат этилган зоналарни думларидаги электрон ҳолатлари зичлигининг тақсимотиларини аниқланишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Дэвис-Мотт яқинлашиш усулида Кубо-Гринвуд формуласидан фойдаланиш, тақрибий ҳисоблаш усули ва компьютер графикаси усули (Maple7).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тажриба натижаларини тушунтирувчи Урбах энергиясини температурага боғланишининг янги аналитик ифодаси келтириб чиқарилган;

илк бор аморф яримўтказгичларнинг зоналараро ютилиш коэффициенти спектри учун ёзилган Кубо-Гринвуд формуласидан валент зонадаги электрон ҳолатлари зичлиги тақсимотининг аналитик ифодаси аниқланган;

аморф углероднинг ($a-C$) тажрибалардан аниқланган зоналараро ютилиш спектри қийматларидан, бу материални валент зонасидаги электрон ҳолатлари зичлиги тақсимоти аниқланган;

илк бор аморф яримўтказгичларнинг экспоненциал ютилиш коэффициенти спектри учун ёзилган Кубо-Гринвуд формуласидан бу материални валент ва ўтказувчанлик зоналари думларидаги электрон ҳолатлари зичлигининг тақсимотини аниқловчи ифодалар келтириб чиқарилган;

илк бор аморф селен-олтингугурт қаттиқ қоришмаси ($a-Se_{0.5}S_{0.5}$) учун тажрибадан аниқланган экспоненциал ютилиш спектрининг қийматларидан фойдаланиб, бу материални валент ва ўтказувчанлик зоналарининг думларидаги электрон ҳолатлари зичлиги тақсимоти аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Урбах энергияси учун янги ифода келтириб чиқарилган ва бу ифодани тажрибадан аниқланган температурага боғланиши тушунтирилган;

аморф яримўтказгичларни зоналараро ва экспоненциал ютилиш спектрларини Дэвис-Мотт яқинлашиш усулига кўра ёзилган Кубо-Гринвуд формуласидан аморф яримўтказгичларни валент зонаси ва рухсат этилган зоналарни думларидаги электрон ҳолатлари зичлиги тақсимотларини аналитик ифодалари келтириб чиқарилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олиб борилган назарий ҳисоблашларни бажаришда халқаро тан олинган методлардан ва услубий жиҳатдан синалган математик усуллардан фойдаланилгани, назарий ҳисобланган натижалар адабиётларда келтирилган тажриба натижаларига мос келиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аморф яримўтказгичларга хос бўлган

электрон ҳолатлари зичлиги тақсимотлари ва зоналараро ҳамда экспоненциал ютилиш спектрлари орасидаги боғланишлар ҳақидаги илмий тасаввурларни кенгайтириш имконини беришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аморф яримўтказгичларга хос бўлган электрон ҳолатлари зичлиги тақсимотини ҳисоблаш учун таклиф қилинган янги усулда олинадиган натижалар оптик хоссалари яхшиланган аморф яримўтказгичлар асосида тайёрланадиган оптоэлектроника асбобларини яратиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гидрогенизацияланган аморф яримўтказгичларни спектрал характеристикалари ва электрон ҳолатлари зичлигининг тақсимоти учун олинган натижалар асосида:

аморф яримўтказгичлар ҳос бўлган Урбах энергиясини температурага боғланиши ва валент зона, рухсат этилган зоналарни думларидаги электрон ҳолатлари зичлиги тақсимотларини ҳисоблашни янги усулларида «Фотон» акциядорлик жамиятида аморф яримўтказгичли оптоэлектрон қурилмалар ишлаб чиқаришда фойдаланилди («Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниясининг 2021 йил 23 ноябрдаги 04-3/2484-сон маълумотномаси). «Фотон» акционерлик жамиятида олиб борилган илмий изланишларда кўрсатилган натижалар асосида намуналар ишлаб чиқилди, намуналарнинг оптоэлектрик параметрлари мавжуд норматив технологик жараёнларга мос келади;

гидрогенизацияланган аморф яримўтказгичларни спектрал характеристикалари ва электрон ҳолатлари зичлигини тақсимоти натижалари 2019-2021 йилларга мўлжалланган АҲР (F)-20/516-рақамли «The investigation of photoelectrical properties of the Photodiodes for 1-4 pm infrared region» лойиҳасида яримўтказгичли фотодиодларнинг паст инерцияли хоссаларини тадқиқ қилишда фойдаланилган (Улудағ университети (Туркия) 2021/20/516-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш Дэвис-Мотт яқинлашиш усулида Кубо-Гринвуд формуласидан зоналараро ва экспоненциал ютилиш спектрлари, ҳамда валент зона думидаги электрон ҳолатлари зичлиги тақсимотини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишини бажаришда олинган натижалар 5 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шулардан 9 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 38 та расми ўз ичига олган ҳолда, 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг уствор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган. Тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий ахамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Аморф яримўтказгичларнинг электрон ҳолатлари зичлигини тақсимоти ва Урбах қондаси”** деб номланган биринчи бобда адабиётларда келтирилган натижалар таҳлил қилинган. Ушбу бобда аморф яримўтказгичлардаги электрон ҳолатлари зичлиги тақсимоти учун таклиф қилинган моделлар, аморф яримўтказгичларнинг оптик ютилиш коэффициенти спектрларини ҳисоблаш учун ишлатиладиган Кубо-Гринвуд формуласи ўрганилган. Аморф яримўтказгичларнинг рухсат этилган зоналари думидаги электрон ҳолатлари зичлиги тақсимоти билан аниқланувчи Урбах энергияси учун адабиётларда келтирилган натижалар қараб чиқилган. Ҳозирги пайтда, аморф яримўтказгичлардаги электрон ҳолатлари зичлиги тақсимотини аниқлаш учун қўлланиладиган тажрибалар таҳлил қилинган. Булардан келиб чиққан ҳолда диссертация ишининг мақсад ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг **“Урбах қондасининг аналитик ифодаси ва Урбах энергиясини температурага боғланиши”** деб номлаган иккинчи бобининг 2.1 параграфида аморф яримўтказгичларнинг электрон ҳолатлари зичлигини тақсимоти учун янги эмпирик модел таклиф қилинган (1-расм).

$$g_v(\varepsilon) = N(\varepsilon_v) \begin{cases} \left[\frac{\varepsilon_c - \varepsilon}{E_g} \right]^{1/2} & \varepsilon \leq \varepsilon_v \\ \exp(-\beta_1(\varepsilon - \varepsilon_v)) & \varepsilon_v < \varepsilon < \varepsilon_0 \end{cases}, \quad (1)$$

$$g_c(\varepsilon) = N(\varepsilon_c) \begin{cases} \left[\frac{\varepsilon - \varepsilon_v}{E_g} \right]^{1/2} & \varepsilon_c \leq \varepsilon \\ \exp(\beta_2(\varepsilon - \varepsilon_c)) & \varepsilon_0 < \varepsilon < \varepsilon_c \end{cases}, \quad (2)$$

бу ерда $N(\varepsilon_v)$ -ва $N(\varepsilon_c)$ -лар мос равишда валент ва ўтказувчанлик зоналаридаги электрон ҳолатлари зичлигининг эффектив қийматлари, ε_v -валент зонанинг юқори чегараси, ε_c -ўтказувчанли зонасининг қуйи чегараси, β_1 -ва β_2 -мос равишда валент зона думини ва ўтказувчанлик зонаси думини эгрилигини анқловчи параметрлар, E_g -ҳарактчанлик тикишини энергетик кенглиги, ε_0 – валент ва ўтказувчанлик зоналарининг экспоненциал думларни кесишиш нуқтасининг энергетик ўрни.

Бу эмпирик модел аморф яримўтказгичларнинг электрон ҳолатлари зичлигини тақсимооти учун таклиф қилинган назарий қарашлар ва тажрибадан олинган натижаларга мос келиши кўрсатилган.

2.2 параграфда Тауснинг рухсат этилган зоналардаги электрон ҳолатлари тақсимоотини аниқловчи эмпирик моделидан зоналараро ютилиш коэффицентини ҳисоблаш учун Дэвис - Мотт яқинлашиш усулига кўра ёзиладиган Кубо-Гринвуд формуласидаги аниқмас интегрални аниқ интеграл кўринишига келтиришни янги усули келтирилган ва зоналараро ютилиш спектрини ҳисоблаган. Худди шу усулда Редфилднинг эмпирик моделидан фойдаланиб экспоненциал ютилиш спектри ҳисобланган.

2.3 параграфда Урбах қоидаси учун янги формула келтириб чиқарилган ва бу формула тажрибалардан аниқланадиган Урбах қоидасини тушунтира олиши кўрсатилган.

Маълумки, Урбах қоидаси ҳам фақат электронларни валент зонани думидан ўтказувчанлик зонасининг думига оптик ўтишлари учун бажарилади. (1) ва (2) дан фойдаланиб, экспоненциал ютилиш спектри учун қуйидаги ифода олинган:


$$\alpha_2(\hbar\omega) = AN(\varepsilon_V)N(\varepsilon_C) \int_{\varepsilon_V}^{\varepsilon_C - \hbar\omega} \exp(-\beta_1(\varepsilon - \varepsilon_V)) \exp(\beta_2(\varepsilon - \varepsilon_C + \hbar\omega)) \frac{d\varepsilon}{\hbar\omega} = \frac{B}{(\beta_2 - \beta_1)\hbar\omega} \exp(\beta_1(\hbar\omega - E_g)) [1 - \exp((\beta_2 - \beta_1)(\hbar\omega - E_g))] \quad (3)$$

Бу ерда $B=AN(\varepsilon_V)N(\varepsilon_C)$.

Маълумки, Урбах қоидасини қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$\alpha(\hbar\omega) = \alpha_0 \exp\left(\frac{\hbar\omega - E_g}{E_U}\right) \quad (4)$$

Бу ерда α_0 , $\hbar\omega=E_g$ бўлганда ютилиш коэффицентини қийматига тенг бўлган пропорцианаллик коэффицентини, E_U – Урбах энергияси. (4) формуладан фойдаланиб E_U ни аниқлаш учун бу формулани:



1-расм. Аморф яримўтказгичлардаги электрон ҳолатлари зичлигининг тақсимооти учун танланган янги модел: рухсат этилган зоналар (1) ва уларнинг экспоненциал думларидаги (2) электрон ҳолатлари.

$$\alpha(\hbar\omega) = \alpha_0 \exp\left(-\frac{E_g}{E_U}\right) \exp\left(\frac{\hbar\omega}{E_U}\right) = \text{const} \cdot \exp\left(\frac{\hbar\omega}{E_U}\right)$$

кўринишда ёзиб, ундан, ютилган фотонларни энергияси $\hbar\omega$ бўйича ҳосила оламиз:

$$\frac{d(\alpha(\hbar\omega))}{d(\hbar\omega)} = \frac{1}{E_U} \text{const} \cdot \exp\left(\frac{\hbar\omega}{E_U}\right),$$

бундан, Урбах энергияси учун қуйидаги:

$$E_U = \alpha(\hbar\omega) / \frac{d(\alpha(\hbar\omega))}{d(\hbar\omega)}, \quad (5)$$

ифода оламиз.

(3) ифодани (5) га қўйиб Урбах энергияси учун қуйидаги ифода олинган:

$$E_U = \frac{B}{(\beta_2 - \beta_1)\hbar\omega} \exp(\beta_1(\hbar\omega - E_g))(1 - \exp((\beta_2 - \beta_1)(\hbar\omega - E_g))) \times \left[\frac{B}{(\beta_2 - \beta_1)(\hbar\omega)^2} ((\beta_1\hbar\omega - 1) \exp(\beta_1(\hbar\omega - E_g))) - (\beta_2\hbar\omega - 1) \exp(\beta_2(\hbar\omega - E_g)) \right]^{-1}. \quad (6)$$


Кўриниб турибдики, бу формуладан Урбах энергиясини β_1 , β_2 ва E_g параметрларни қийматларига боғланишларини аниқлаш мумкин.

2.4 параграфда Урбах қонидаси учун келтириб чиқарилган янги формуладан Урбах энергияси аниқланган ва у Урбах энергиясини температурага боғланишини кўрсатувчи тажриба натижаларини тушунтира олиши кўрсатилган. Рухсат этилган зоналарнинг экспоненциал думлари эгрилигини аниқловчи параметрларни қиймати $T < 550$ К температура интервалида деярли ўзгармайди. Буни ҳисобга олсак, (6) ифодада фақат битта температурага боғлиқ бўлган параметр ҳаракатчанлик тирқишининг энергетик кенглиги (E_g) қолади.

Маълумки, бу катталикни температурага боғланиши

$$E_g(T) = E_g(0) - \gamma T \quad (7)$$

кўринишда ёзилади.




2-расм. Гидрогенизацияланган аморф кремний (*a-Si:H*) $E_g=1,8$ эВ учун (6) формуладан ҳисобланган Урбах энергиясининг температурага боғланиши.

Аморф яримўтказгич пардаларида Урбах энергиясини температурага боғланишини аниқловчи тажриба натижалари адабиётларда келтирилган. Улардан бу боғланишлар чизикли эканлигини ва уларни бурчак коэффиценти ҳаракатчанлик тирқишининг энергетик кенглигини температура коэффицентига яқин бўлиши кўрсатилган. Аморф яримўтказгичлар учун ҳаракатчанлик тирқишининг энергетик кенглигини температура коэффиценти $\gamma \approx (4 \cdot 10^{-5} - 10^{-4})$ эВ К⁻¹ эканлигини ҳисобга олиб ва (7) ни (6) ифодага қўйиб бажарилган ҳисоблашдан олинган натижалар 2 - расмда келтирилган. Ҳисоблашларни гидрогенизацияланган аморф кремний (*a-Si:H*) учун бажарилган ($E_g = 1,8$ эВ). Бу материалда ўтказувчанлик зонаси думидан валент зонанинг думи каттароқ бўлади. Шунинг учун ҳисоблашларни бажаришда валент ва ўтказувчанлик зоналарининг экспоненциал думларининг эгрилигини аниқловчи параметрлар учун $\beta_1 = 14$ эВ⁻¹ ва $\beta_2 = 25$ эВ⁻¹ (1-чизик), $\beta_1 = 19$ эВ⁻¹ ва $\beta_2 = 25$ эВ⁻¹ (2-чизик) катталиклар танланди. Расмдан кўринадик (6) формуладан ҳисобланган Урбах энергиясининг температурага боғланиши чизикли бўлиб температура ортиб борган сари ортиб борар экан. Биринчи чизикни бурчак коэффиценти $tg\varphi_1 = 4 \cdot 10^{-5}$ эВ·К⁻¹, иккинчи тўғри чизикни бурчак коэффиценти $tg\varphi_2 = 6,5 \cdot 10^{-5}$ эВ·К⁻¹ га тенг. Бу қийматлар аморф яримўтказгичларни ҳаракатчанлик тирқишининг температурага боғланиши бурчак коэффиценти (γ) қийматларига яқин эканлигини кўрсатади.

3 – расмда $CuIn_3Te_5$ аморф яримўтказгичини Урбах энергиясини температурага боғланишни тажрибадан аниқланган натижалари келтирилган. Бу боғланиш чизикли бўлиши ва бу чизикни бурчак коэффиценти $tg\alpha = 3,5 \cdot 10^{-5}$ эВК⁻¹ га тенг эканлиги кўриниб турибди.

Диссертациянинг “Аморф яримўтказгичларни зоналараро ютилиш спектри ва валент зонадаги электрон ҳолатлари зичлигининг тақсимоти” деб номланган учинчи бобида аморф яримўтказгичларни тажрибалардан аниқланган зоналараро ютилиш спектрини қийматларидан фойдаланиб, уларни валент зонасидаги электрон ҳолатлари зичлиги тақсимотини аниқлашни янги усули келтирилган. 3.1 праграфда аморф яримўтказгичлар электрон ҳолатлари зичлиги тақсимоти учун 2.1 параграфда келтирилган эмпирик моделдан фойдаланиб назарий ҳисобланган зоналараро ютилиш спектрлари таҳлил қилинган.

Маълумки, ютилган фотонларни энергияси ҳаракатчанлик тирқишининг энергетик кенглигидан катта бўлганда умумий ютилиш коэффицентининг қийматини аниқлашда асосан рухсат этилган зоналараро оптик ўтишлар



3–расм. $CuIn_3Te_5$ аморф яримўтказгичи учун Урбах энергиясини температурага боғланишни тажрибадан аниқланган натижалари.

ўйнайди. Шунинг учун зоналараро ютилиш коэффициентини қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\alpha(\hbar\omega) = A \int_{\varepsilon_c - \hbar\omega}^{\varepsilon_v} g_v(\varepsilon) g_c(\varepsilon + \hbar\omega) \frac{d\varepsilon}{\hbar\omega}, \quad (8)$$

бу ерда $g_v(\varepsilon)$ – ва $g_c(\varepsilon + \hbar\omega)$ – лар мос равишда валент ва ўтказувчанлик зоналаридаги электрон ҳолатлари зичлиги тақсимотлари. (1) ва (2) даги рухсат этилган зоналардаги электрон ҳолатлари тақсимотларини (8) га қўйиб зоналараро ютилиш спектри учун қуйидаги ифода олинди:


$$\alpha(\hbar\omega) = \frac{B}{4E_g \hbar\omega} \left(2(\hbar\omega - E_g) \sqrt{E_g \hbar\omega} - (E_g + \hbar\omega)^2 \operatorname{arctg} \left(\frac{E_g - \hbar\omega}{\sqrt{4E_g \hbar\omega}} \right) \right). \quad (9)$$

Бу ердаги B ва E_g ларни қийматлари бир хил аморф яримўтказгичлар учун ҳам, уларни тайёрлаш технологиясига боғлиқ ҳолда турлича бўлиши мумкин.

(9) формуладан кўринадикки, зоналараро ютилиш спектрини ҳисоблаш учун B ва E_g ларни қийматларини аниқлаш керак. Бу параметрларини топиш учун тажрибалардан аниқланган зоналараро ютилиш спектрдан фойдаланамиз.

4–расмда аморф селен-олтингугуртнинг $Se_{0,7}S_{0,3}$ ва $Se_{0,5}S_{0,5}$ бирикмаларининг оптик ютилиш коэффициентларини тажрибадан аниқланган спектрлари келтирилган. Маълумки, оптик ютилиш коэффициентини спектрларида экспоненциалликдан четланиш бошланадиган энергетик нуқтадан зоналараро ютилиш спектрлари бошланади. Буни ҳисобга олиб юқоридаги спектрлардан зоналараро ютилиш спектрларини ажратамиз (5- а ва b расмлар).


Бу тажриба натижаларига (9) формуладан олинган ҳисоблашларни мослаштирамиз. Бунинг учун (9) формуладаги B ва E_g ўзармасларни мослаштирувчи параметрлар сифатида қараймиз. Шу усулда бажарилган ҳисоблашлардан олинган натижалар ҳам 5 – а ва b расмларда келтирилган. Тажриба ва (9) формуладан олинган ҳисоблаш натижалари аморф $Se_{0,7}S_{0,3}$ учун, $B=7,5 \cdot 10^5 \text{ см}^{-1}$ ва $E_g=2,2 \text{ эВ}$, аморф $Se_{0,5}S_{0,5}$ учун эса, $B=7,1 \cdot 10^5 \text{ см}^{-1}$ ва $E_g=2,25 \text{ эВ}$ ларга тенг бўлганда бир-бирига мос келиши аниқланди. 3.2 параграфда аморф углород учун тажрибадан аниқланган ва аморф яримўтказгичларнинг зоналараро ютилиш




4-расм. Аморф селен-олтингугуртнинг $Se_{0,7}S_{0,3}$ ва $Se_{0,5}S_{0,5}$ бирикмалари учун тажрибадан аниқланган оптик ютилиш коэффициенти спектрлари. а- зоналараро ютилиш соҳаси, b – экспоненциал ютилиш соҳаси, с- нуқсонларда ютилиш соҳаси.

спектрларини аналитик ҳисобланган қийматларини мослаштириш орқали бу спектрдаги пропорционаллик коэффициентини ва ҳаракатчанлик тирқишининг энергетик кенглигини аниқлаш мумкин эканлиги кўрсатилган.

Юқоридаги усулда аморф углоруд (*a-C*) учун тажрибадан аниқланган ва (9) формуладан олинган ҳисоблаш натижалари 6-расмда келтирилган (туташ эгри чизик). *a-C* учун тажриба ва (9) формуладан олинган ҳисоблаш натижалари, $B = 6,19 \cdot 10^5 \text{ см}^{-1}$ ва $E_g = 1,235 \text{ эВ}$ ларга тенг бўлганда бир-бирига мос келишини кўрсатди.




5-а расм. Аморф $\text{Se}_{0,5}\text{S}_{0,5}$ селен-олтингугурт бирикмасининг зоналараро ютилиш спектри учун тажрибадан ва (9) формуладан олинган ҳисоблаш натижалари.



5-б расм. Аморф $\text{Se}_{0,7}\text{S}_{0,3}$ селен-олтингугурт бирикмасининг зоналараро ютилиш спектри учун тажрибадан ва (9) формуладан олинган ҳисоблаш натижалари.

3.3 параграфда аморф яримўтказгичларнинг зоналараро ютилиш спектри



6-расм. Аморф углерод (*a-C*) ни тажрибада олинган ва (9) формуладан ҳисобланган (туташ эгри чизик) зоналараро ютилиш спектрлари.

учун Дэвис–Мотт яқинлашиш усулига кўра ёзилган Кубо–Гринвуд формуласидан фойдаланиб, уларни валент зонасидаги электрон ҳолатлари зичлиги тақсимотини аниқлайдиган янги аналитик ифода келтириб чиқарилган. Маълумки, икки ўзгарувчилик функциядан олинган интегралдан битта ўзгарувчи бўйича олинадиган ҳосила қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$\frac{d}{dy} \int_{\alpha(y)}^{\beta(y)} f(x, y) dx = \int_{\alpha(y)}^{\beta(y)} \frac{\partial f(x, y)}{\partial y} dx + \frac{\partial \beta(y)}{\partial y} f(\beta(y), y) - \frac{\partial \alpha(y)}{\partial y} f(\alpha(y), y) \quad (10)$$

Бу формулани (8) га қўллаб қуйидаги ифодани оламиз:

$$\frac{\partial \alpha(\hbar\omega)}{\partial \hbar\omega} = \frac{\partial}{\partial \hbar\omega} A \left(\int_{\varepsilon_C - \hbar\omega}^{\varepsilon_V} \frac{g_V(\varepsilon) g_C(\varepsilon + \hbar\omega)}{\hbar\omega} d\varepsilon \right) = \frac{A}{\hbar\omega} \int_{\varepsilon_C - \hbar\omega}^{\varepsilon_V} g_V(\varepsilon) \frac{\partial}{\partial \hbar\omega} g_C(\varepsilon + \hbar\omega) d\varepsilon - \frac{\alpha(\hbar\omega)}{\hbar\omega} + \frac{A}{\hbar\omega} g_V(\varepsilon_C - \hbar\omega) g_C(\varepsilon_C). \quad (11)$$

Бу формулага (1) ва (2) даги рухсат этилган зоналардаги электрон ҳолатлари тақсимотларини қўйиб қуйидаги боғланишни оламиз:

$$\begin{aligned} \frac{\partial \alpha(\hbar\omega)}{\partial \hbar\omega} &= \frac{A}{\hbar\omega} \int_{\varepsilon_C - \hbar\omega}^{\varepsilon_V} N(\varepsilon_V) \left(\frac{\varepsilon_C - \varepsilon}{E_g} \right)^{\frac{1}{2}} \frac{\partial}{\partial \hbar\omega} N(\varepsilon_C) \left(\frac{\varepsilon - \varepsilon_V + \hbar\omega}{E_g} \right)^{\frac{1}{2}} d\varepsilon - \frac{\alpha(\hbar\omega)}{\hbar\omega} + \\ &+ \frac{A}{\hbar\omega} N(\varepsilon_V) \left(\frac{\varepsilon_C - \varepsilon_C + \hbar\omega}{E_g} \right)^{\frac{1}{2}} N(\varepsilon_C) \left(\frac{\varepsilon_C - \hbar\omega - \varepsilon_V + \hbar\omega}{E_g} \right)^{\frac{1}{2}} = \\ &= \frac{B(\hbar\omega - E_g)}{2E_g \hbar\omega} \arctg \left(\frac{\hbar\omega - E_g}{2\sqrt{E_g \hbar\omega}} \right) - \frac{\alpha(\hbar\omega)}{\hbar\omega} + \frac{B}{\hbar\omega N(\varepsilon_V)} N(\varepsilon_V) \left(\frac{\hbar\omega}{E_g} \right)^{\frac{1}{2}} \end{aligned} \quad (12)$$

(12) ифодадаги охири хаддан фойдаланиб қуйидаги ифодани ёзамиз:

$$g_V(\varepsilon) = N(\varepsilon_V) \left(\frac{\hbar\omega}{E_g} \right)^{\frac{1}{2}} = N(\varepsilon_V) \left(\frac{\varepsilon_C - \varepsilon}{E_g} \right)^{\frac{1}{2}}. \quad (13)$$

(13) дан фойдаланиб, $\hbar\omega$ қандай энергетик ҳолатни аниқлашини ҳисоблаймиз.

$$\hbar\omega = \varepsilon_C - \varepsilon; \quad \varepsilon = \varepsilon_C - \hbar\omega = \varepsilon_C - \varepsilon_V + \varepsilon_V - \hbar\omega = \varepsilon_V + (E_g - \hbar\omega).$$

Бу ифодадаги $E_g - \hbar\omega < 0$ ва $\varepsilon \leq \varepsilon_V$ бўлганлиги учун ε валент зона ичидаги энергетик ҳолатни аниқлайди. Шунинг учун (13) тенгламани қуйидаги:

$$\frac{\partial \alpha(\hbar\omega)}{\partial \hbar\omega} = \frac{B(\hbar\omega - E_g)}{2E_g \hbar\omega} \arctg \left(\frac{\hbar\omega - E_g}{2\sqrt{E_g \hbar\omega}} \right) - \frac{\alpha(\hbar\omega)}{\hbar\omega} + \frac{B}{\hbar\omega N(\varepsilon_V)} g_V(\varepsilon)$$

кўринишда ёзамиз ва ундан:

$$g_V(\varepsilon) = \frac{\hbar\omega N(\varepsilon_V) \left(\frac{\partial \alpha(\hbar\omega)}{\partial \hbar\omega} + \frac{\alpha(\hbar\omega)}{\hbar\omega} - \frac{A(\hbar\omega - E_g)}{2\hbar\omega E_g} \arctg \frac{\hbar\omega - E_g}{2\sqrt{E_g \hbar\omega}} \right)}{B} \quad (14)$$

ифодани оламиз. Бу ифодадаги тажрибадан аниқланган зоналараро ютилиш коэффициентининг қийматлари ва уларга мос келувчи ютилган фотонларни энергияларини ўртачалаштириб (14) ни қуйидаги кўринишда ёзамиз:

$$\begin{aligned} g_{vi}(\varepsilon) &= \frac{1}{B} \left(N(\varepsilon_V) \left(\frac{\hbar\omega_i + \hbar\omega_{i+1}}{2} \right) \left(\frac{\alpha_{i+1}(\hbar\omega) - \alpha_i(\hbar\omega)}{\hbar\omega_{i+1} - \hbar\omega_i} + \frac{\alpha_{i+1}(\hbar\omega) + \alpha_i(\hbar\omega)}{\hbar\omega_i + \hbar\omega_{i+1}} - \right. \right. \\ &\left. \left. - \frac{B \left(E_g + \frac{\hbar\omega_i + \hbar\omega_{i+1}}{2} \right)}{E_g (\hbar\omega_i + \hbar\omega_{i+1})} \arctg \frac{E_g - \frac{\hbar\omega_i + \hbar\omega_{i+1}}{2}}{2\sqrt{E_g \frac{\hbar\omega_i + \hbar\omega_{i+1}}{2}}} \right) \right) \end{aligned} \quad (15)$$

Бу ерда $\alpha_i(\hbar\omega)$ -, $\hbar\omega_i$ -, $\alpha_{i+1}(\hbar\omega)$ -, ва $\hbar\omega_{i+1}$ - лар мос равишда тажрибадан аниқланган қўшни зоналараро ютилиш коэффициенти ва ютилган фотонларни энергияларини қийматлари.

(15) формуладан агар, тажрибадан аниқланган зоналараро ютилиш коэффициентни спектри ва уларга мос келувчи ютилган фотонларни энергияларини қийматлари маълум бўлса, бу натижалардан фойдаланиб валент зонадаги электрон ҳолатлари зичлиги тақсимотини аниқлаш мумкин эканли келиб чиқади.

6- расмда келтирилган тажрибадан аниқланган зоналараро ютилиш коэффициентини спектрал характеристикасидан фойдаланиб аниқланган валент зонадаги электрон ҳолатлари зичлигининг тақсимоти 7 - расмда келтирилган.

Зоналараро ютилиш барча яримўтказгичларга хос бўлганлиги учун бу параграфда олинган натижалардан кристалл, поликристалл ва микрокристалл яримўтазгичлар учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг “Аморф яримўтказгичларни экспоненциал ютилиш спектри ва рухсат этилган зоналарнинг думларидаги электрон ҳолатлари зичлигининг тақсимотлари” деб номланган тўртинчи бобда аморф яримўтказгичларнинг экспоненциал

ютилиш спектридан фойдаланиб рухсат этилган зоналарни думларидаги электрон ҳолатлари зичлиги тақсимотни аниқлашни янги усули келтирилган. Бобнинг 4.1 параграфидан экспоненциал ютилиш спектри учун Дэвис-Мотт яқинлашиш усулига кўра ёзилган Кубо-Гринвуд формуласидан фойдаланиб:


